
Ўзим ўқиган мактабга менинг китоб тухфам акцияси давом этмоқда
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг видеоселектор йиғилишида берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида бугун республикамиз бўйича барча раҳбарлар, тадбиркорлар ва бошқа давлат ташкилоти ходимлари ўзлари ўқиган таълим муассасаларига ўз кутубхонасидаги китоблардан совға қилмоқдалар. Қува тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Асқаров Дилмурод Қобирович ҳам ўзи таҳсил олган Тошлоқ туманидаги 7-умумтаълим мактабига ташриф буюриб, таълим муассасасида таҳсил олаётган ўқувчилар билан учрашди ва уларга ўзининг шахсий кутубхонасидаги турли ҳилдаги бадий китоблардан совға қилди. Учрашув давомида таълим муассасасидаги ёшларнинг қизиқишлари ва бугунги кунда юртимизда ёшларга берилаётган имкониятлар ҳақида ўртоқлашдилар.

2019-04-06 17:20:04